

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398360>

Ўктамova Нозима Нарзулла кизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси

Тошкент давлат юридик университети,

“Давлат бошқаруви” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

**Аннотация:** Мазкур мақолада тижорат банкларининг молиявий барқарорлик ҳолати ва ишончлилиги борасида илмий-назарий фикрлар ва хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки; барқарор ривожланиш; барқарорликни баҳолаш; COVID-19.

Жамиятда юзага келаётган ўзгаришлар, иқтисодиётни рақамлашуви, истеъмолчилар ҳошиш-истакларининг ўзгарувчанлиги, COVID-19 тарқалиши ва бошқалар банк сектори тузилмасида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар шароитида Коронавирус инфекцияси ва у билан чекловлар, тижорат банклари ички ва ташқи муҳит, рақамли трансформация ва бошқа турли омиллари таъсирида фаолият юритади, бу эса уларнинг фаолият кўрсатиш шартларини сезиларли даражада ўзгартиради ҳамда ҳудудий тижорат банкларининг барқарор ривожланишини таъминлаш муаммосининг долзарблигини англатади.

Бундан ташқари, ривожланиб бораётган дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг мавжудлиги тижорат банкларидан ўз манфаатлари ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлашни талаб қилади, ва БМТнинг “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби ҳужжатида белгиланган вазифаларни ҳал этиш”

барқарор ривожланиш концепциясида ҳам юқоридаги каби муаммоларнинг келтириб ўтилганлиги мавзуимизнинг аҳамиятини оширади.

Банк тизими ҳолати мамлакатнинг ёки ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши ва ҳавфсизлигини белгиловчи муҳим индикаторлардан бири ҳисобланади. Молиявий ресурсларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тижорат банклари доимий ҳаракатни таъминлаб молиявий воситачи бўлиб хизмат қилади. Замонавий дунёда тижорат банклари бир қанча функцияларни: жисмоний ва юридик шахсларни бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни тўлов шартлари бўйича муддатли ва қайтариб бериш шартлари асосида жойлаштириш, тўловлар қилиш, фонд ва валюта бозорларида операциялар олиб бориш, ҳисоб-китоб ва касса операциялари, онлайн хизматлар ва б.

Банклар нафақат ички маблағларни жамғаришда ва молиявий ресурсларни жамлашда балки иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш мақсадида узлуксизликни таъминлашади. Шунинг учун ҳам банклар молиявий ҳолатининг барқарорлиги ривожланишнинг ҳамма босқичида долзарб ҳисобланади.

Ҳудудий тижорат банклар мисолида ўрганиладиган бўлса, ҳудудий тижорат банклари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки улар асосан маҳаллий миқозлар билан ишлайди ва ўзи жойлашган ҳудуднинг молиявий оқимини шакллантиради ва сақлайди.

Фикримизча, ҳудудий тижорат банкларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, стратегик устувор мақсадларни белгилаш ва уларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Мамлакатлар, ҳудудлар ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларининг барқарор ривожланишини таъминлашда банк тизими муҳим ўрин эгаллайди.

Тижорат банкларининг барқарорлиги ҳақидаги илмий қарашларни ўрганиш ушбу масаланинг учта асосий ёндашувини аниқлаш имконини берди. Биринчи ёндашув сифатида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичини келтиришимиз мумкин. Молиявий барқарорлик асли нима ва у

қандай амалга ошади? Қуйидаги жадвалда иқтисодчи олимларнинг банк молиявий барқарорлиги бўйича фикрлари келтирилган.

**1-жадвал**

**Банкнинг молиявий барқарорлиги**

Иқтисодчи олим	Таърифи
Касютин А.Е	активлари сифатининг баҳоси, капитал етарлилиги ва самарадорлигидир[1]
Белых Л.П.	барқарор капиталнинг мавжудлиги, баланс ликвидлиги ва тўлов қобилиятининг мавжудлиги[2]
“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунида	банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати [3];
Тарханова Е.А.	жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилиш, банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, шунингдек, ўз номидан ва ўз ҳисобидан жалб қилинган маблағларни тўлов шартларида жойлаштириш бўйича операциаларни амалга ошириш, ўз муддатида қайтаришлилик ҳамда тўловлилик қобилияти ва инқирозга бардошлилиги[4];

З.А. Тимофеева	Банкнинг молиявий барқарорлиги – банк молиявий ҳолатининг чидамлилиги, активлар ликвидлиги, захираларнинг етарлилиги[5].
Эдвин Дж. Долан	Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий эътибор юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар ўртасидаги нисбатнинг

Фикримизча тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги аввало унинг молиявий ҳолатининг узоқ муддатда барқарор равишда сақлаб қолишидир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, тижорат банки маблағларидан самарали фойдаланиш орқали ўз иқтисодий фаолиятини амалга оширишнинг узлуксиз жараёнини таъминлай олишини келтиришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб молиявий ҳолати барқарор бўлган банк ҳам ишончлими деган савол туғилади ва ишончли банк деганда биз нималарни тушунамиз?

Аввало тижорат банкларининг ишончилигини белгилашда унинг барча жиҳатларини қамраб олган ҳолда бир қанча сифатларга эга бўлиши, яъни

- Банкнинг молиявий ҳолатининг барқарорлиги, хавфсизлиги ва мустаҳкамлиги;
- Банк бозорида ўзининг молиявий барқарорлик ҳолатини сақлаган ҳолда узоқ муддатларда мавжуд бўлиши;
- Ишончли банк сифатида мижозлар ишончи ва ўз обрўсига эга бўлиши.

Шундай қилиб банкнинг ишончилигини белгилашда камида 3 та сифатни мавжудлигини кўзда тутиш мумкин:

- Банкнинг бугунги кунда барқарорлиги;
- Банкнинг эртанги кунда барқарор бўлиши;

- Банк мижозларининг унинг барқарорлигига ишончи.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилишимиз мумкинки тижорат банкларининг молиявий ҳолатининг барқарорлиги молиявий ишончлига қараганда ҳавсизлик, мустаҳкалик миқдорий жиҳатдан кенг тушунча. Шунингдек барқарорлик ва ишончлилик кўрсаткичларини ажратиб таҳлил қилиш тижорат банкларининг молиявий ҳолатини сифатли баҳолаш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Касютин А.Е. О понятиях надежности и устойчивости коммерческого банка // *Фундаментальные исследования*, 2005. № 4. С. 32
2. Белых Л.П. Устойчивость коммерческих банков. Как банкам избежать банкротства. М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2003.
3. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2019 йил 5 ноябрь
4. Устойчивость коммерческого банка: содержание и специфика проявления на региональном уровне / З.А. Тимофеева // *Экономические и социальные перемены в регионе*, 2002. В. 18. С. 43–50
5. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. *European Scholar Journal*, 5(3), 5-8.
6. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE

DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.

7. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. Science and Education, 3 (5), 1646-1654.
8. Turayevich J. I. Akmal o'g'li, SM (2023) //INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHDA TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG'ARMASINING O'RNI. PEDAGOGS jurnali. – T. 35. – №. 4. – С. 147-157.
9. Иномжон Тураевич Жуманиязов, Нозимахон Омонуллохоновна Садыкова Ўзбекистонда ва жаҳонда суверен фондлар инвестицион фаолияти // Science and Education. 2023. №6.
10. ZM Shaikh, S Ramadass, B Prakash, JI Turayevich Data-Driven Decision Making in Stock Portfolio Management: LSTM and Monte Carlo Simulation in Action- Fluctuation and Noise Letters, 2023

